



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 23 » май

№ 328

Toshkent sh.

Ветеринария фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ветеринария фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар кўрсатиладиган давлат хизматларидан фойдаланиш учун фақат давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали мурожаат қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси 2020 йил 1 августга қадар:

давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур хужжатлар ва бошқа хужжатларнинг намунавий шакллари, бланкалари ишлаб чиқирилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишган ҳолда тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда Давлат хизматлари марказларининг ходимлари иштирокида ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентни амалда қўллашнинг самарадорлиги ва натижадорлиги даражасини оширишга йўналтирилган ўқув-семинарлар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар бўлган муддатда:

мазкур қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ давлат хизматларининг ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида муурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бюджетдан ташқари маблағлар, грант ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан давлат хизматларини кўрсатиш учун электрон ҳужжат алмашишни таъминловчи “VIS-LICENSE” ахборот тизимини уч ой муддатда ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси бугунги кунда фаолият юритаётган лицензиатлар тўғрисидаги маълумотларни 2020 йил 30 декабрга қадар “VIS-LICENSE” ахборот тизимига киритиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Ушбу қарорнинг 1, 2 ва 7-бандлари 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т.Норқобилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “23” майдаги 328-сон қарорига
1-илова

**Ветеринария фаолиятини лицензиялаш бўйича
давлат хизматларини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария фаолиятини лицензиялаш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш, тугатиш, бекор қилиш, қайта расмийлаштиришда давлат хизматларини (кейинги ўринларда – давлат хизматлари) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ветеринария фаолиятнинг лицензияланаётган йўналишлари – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган йўналишлари, шунингдек, уларнинг бир қисми (қисмлари):

ветеринария лаборатория-диагностика ишлари;

ветеринария препаратлари, шу жумладан ветеринария мақсадлари учун доривор воситалар, озуқа қўшимчалари, биологик препаратлар ва зоогигиена воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш;

ветеринария препаратлари, шу жумладан ветеринария мақсадлари учун биологик препаратларни сотиш;

ветеринария даволаш-профилактика ишлари;

ветеринария препаратлари, шу жумладан ветеринария мақсадлари учун доривор воситалар, озуқа қўшимчалари ва зоогигиена воситаларини сотиш;

лицензиялаш – лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси;

лицензия талаблари ва шартлари – ветеринария фаолиятнинг лицензияланаётган йўналишларини, шунингдек, уларнинг бир қисмини (қисмларини) амалга ошираётганда лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларнинг мажмуи;

лицензияловчи орган – ветеринария фаолиятнинг йўналишларининг, шунингдек, уларнинг бир қисмининг (қисмларининг) тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва

чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари;

лицензия талабгори – лицензияловчи органга ветеринария фаолиятнинг лицензияланадиган йўналишларини, шунингдек, уларнинг бир қисмини (қисмларини) амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик ёки жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикаси резиденти;

лицензиат – ветеринария фаолиятнинг лицензияланадиган йўналишларини, шунингдек, уларнинг бир қисмини (қисмларини) амалга оширишга лицензияси бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

лицензия реестри – берилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган лицензиялар, шунингдек амал қилиши тугатилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган лицензияловчи органнинг маълумотлар базалари;

лицензия – лицензияловчи орган, шунингдек, Давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали томонидан берилган лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этган ҳолда ветеринария фаолиятнинг йўналишларини, шунингдек, уларнинг бир қисмини (қисмларини) амалга ошириш учун рухсатнома (хуқуқ).

3. Давлат хизматлари маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита), Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари (кейинги ўринларда - ҳудудий бошқармалар) томонидан қуйидаги йўналишлар лицензияланади:

а) Қўмита томонидан:

ветеринария лаборатория-диагностика ишлари;

ветеринария препаратлари, шу жумладан ветеринария мақсадлари учун доривор воситалар, озуқа қўшимчалари, биологик препаратлар ва зоогигиена воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш;

ветеринария препаратлари, шу жумладан ветеринария мақсадлари учун биологик препаратларни сотиш;

б) ҳудудий бошқармалар томонидан:

ветеринария даволаш-профилактика ишлари;

ветеринария препаратлари, шу жумладан ветеринария мақсадлари учун доривор воситалар, озуқа қўшимчалари ва зоогигиена воситаларини сотиш.

Лицензиялар бериш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш, улар юзасидан хулоса тайёрлаш учун лицензияловчи орган ҳудудий

бошқармалар ҳамда туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларининг раҳбар ва ходимларини эксперт сифатида (кейинги ўринларда – эксперт) жалб қилади.

4. Лицензияловчи орган фаолиятини мувофиқлаштириш, лицензиялаш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, лицензияловчи орган берадиган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни “Лицензия” ахборот тизимлари комплексига киритиб бориш, лицензияловчи орган томонидан фаолият йўналишларини лицензиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш Қўмита томонидан амалга оширилади.

5. Марказ ва лицензияловчи орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида кўрсатилади.

6. Ветеринария фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чекланмаган муддатга берилади.

7. Лицензиат томонидан ветеринария фаолияти фақат лицензияда кўрсатилган йўналишлари, шунингдек, уларнинг бир қисми (қисмлари) бўйича амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс томонидан филиаллар ташкил этилганида, лицензия талабгорининг QR-коди (матрик штрихли код) сақланган ҳолда филиалнинг фаолият йўналиши ва манзили ҳақидаги маълумотлар кўшимча равишда киритилади. Филиаллар ташкил этилганда, мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ Марказ ёки ЯИДХП орқали ариза бериши шарт.

8. Давлат хизматлари мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари

9. Қуйидагилар ветеринария фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

ветеринария фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва техник жиҳатдан тартибга солувчи ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

лицензиатнинг фаолиятни амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказишнинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя этиши;

ветеринария йўналиши бўйича ўрта-махсус маълумотга ва юридик шахс мақомига эга бўлган субъектлар штатидаги ходимлар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар фақат ветеринария препаратлари, шу жумладан ветеринария мақсадлари учун доривор воситалар, озуқа қўшимчалари ва зоогигиена воситаларини сотиши;

юридик шахс штатида олий ёки ўрта махсус маълумотга ва ветеринария соҳасида махсус тайёргарликка эга бўлган ветеринария мутахассисларининг мавжуд бўлиши;

якка тартибдаги тадбиркорнинг олий ёки ўрта махсус ветеринария маълумотига ва ветеринария соҳасида махсус тайёргарликка эга бўлиши;

юридик шахс ходимларининг, ветеринария фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг камида 5 йилда бир марта малака ошириши;

лицензия талабгори ёки лицензиат ветеринария фаолиятини амалга ошириш учун унга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли ветеринария нормалари ва қоидаларига мувофиқ биноларга ёки хоналарга эга бўлиши;

ветеринария нормалари ва қоидаларига риоя этиш;

Ўзбекистон Республикасида рухсат берилган диагностика, профилактика ва даволаш усуллари, шунингдек, ветеринария препаратларини қўллаш;

лицензия талабгори - юридик шахс томонидан лицензияловчи органга ветеринария мутахассисининг ишга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни Марказ ёки ЯИДХП орқали мутахассис ишга олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида тақдим этиш.

10. Ветеринария фаолиятининг тегишли йўналишларини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага ва бошқа техника воситаларига қўйиладиган энг кам талаблар белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан белгиланади.

3-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

11. Лицензия талабгори давлат хизматларидан фойдаланиш учун Марказга ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

12. Лицензия талабгори ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Марказ ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса мустақил тарзда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги аризани электрон равишда тўлдиради.

Аризага якка тартибдаги тадбиркорлар ветеринария мутахассислиги бўйича олий ёки ўрта махсус маълумоти тўғрисидаги дипломидан ёки унинг кўчирмасидан нусха ҳам илова қилади.

13. Лицензия талабгори ёки лицензиат Марказ ёки ЯИДХПдаги тегишли шакллардаги аризага ва унинг талабларига мувофиқ мурожаат қилади.

14. Лицензия талабгори тегишли шаклдаги ариза тўлдирилгандан сўнг маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, аризани ўз электрон рақамли имзоси (ЭРИ) билан тасдиқлайди.

Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, аризани (ЭРИ) билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

15. Марказ ёки ЯИДХП кўрсатиладиган давлат хизматлари учун Регламент талабларига мувофиқ йиғим ёки давлат божларини тақсимлаб, уларнинг ундирилишини таъминлайди.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарори билан тасдиқланган Лицензиялар бланкаларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан берилган лицензияни қайта расмийлаштириш учун Марказга қайтаради.

Ушбу лицензияни Марказ ариза қабул қилинган кунда ветеринария фаолиятининг йўналиши бўйича тегишли лицензияловчи органга юборади.

17. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс тугатилганда, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорни давлат рўяхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда, лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун ветеринария фаолияти йўналишининг тегишлилиги бўйича лицензияни лицензияловчи органга юборади ёки уни хабардор қилади.

18. Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ичида аризалар қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди, билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

19. Аризада нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек, лицензия олиш учун Регламентда белгиланган йиғимни ёки давлат божини тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш қатъий тақиқланади.

20. Лицензия талабгори давлат хизматларидан фойдаланишдан уларни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

21. Лицензия талабгори Марказ ёки ЯИДХП орқали юборган тегишли шаклдаги аризадан воз кечганда, унинг аризаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим қайтарилмайди.

4-боб. Лицензия олиш ва уни қайта расмийлаштиришда зарур бўлган ҳужжатлар

22. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) 2-иловага мувофиқ лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахс учун - юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисобварағи;

жисмоний шахс учун - фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатга оид маълумотлар;

шунингдек, телефон рақамлари ҳамда фаолиятни амалга ошириш (филиаллар) манзиллари;

юридик ёки жисмоний шахс амалга оширишни мўлжаллаётган фаолият йўналишлари;

б) тегишли яқка тартибдаги тадбиркорнинг диплоmidан ёки унинг кўчирмасидан нусха.

23. Лицензия талабгоридан мазкур Регламентда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

5-боб. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

24. Ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгоридан қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Тўланадиган йиғим суммасининг:

а) Марказга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар лицензияловчи органнинг ҳисобварағига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар лицензияловчи органнинг ҳисобварағига ўтказилади.

25. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор ариза ва барча зарур ҳужжатлар Марказ ёки ЯИДХПдан келган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

26. Лицензия талабгори Марказга келиб мурожаат этганда, унинг аризаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, лицензия талабгори томонидан тасдиқлангандан сўнг барча ҳужжатлар 10 дақиқа мобайнида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

Ваколатли орган барча зарур ҳужжатлар илова қилинган аризани ариза келиб тушган кунда кўриб чиқиш учун экспертга юборади.

Эксперт бир ҳафта муддатда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган уч кун муддатда эксперт хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини аниқлаш учун лицензияловчи орган эксперт илтимосига кўра ўз маблағлари ҳисобидан:

лицензия талабгорида лицензияланадиган фаолият йўналишини амалга ошириш учун мавжуд шароитларни жойларга чиқиб баҳолаш;

тегишли хулосалар тайёрлаш учун шартнома асосида экспертларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

27. Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан сўнг лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда Марказ ёки ЯИДХП орқали хабардор қилади.

Лицензия бериш учун қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорида банк ҳисобварағи реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилиб, ёзма шаклда ҳамда лицензия битимини илова қилган ҳолда имзоланган учун Марказ ёки ЯИДХП орқали юборилади.

28. Лицензия талабгори давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва имзоланган лицензия битими Марказ ёки ЯИДХП орқали тақдим этилгандан сўнг берилади.

Агар Ягона биллинг тизими орқали давлат божи тўланган бўлса, фақат имзоланган лицензия битими Марказ ёки ЯИДХП орқали тақдим этилади ҳамда лицензия ушбу банднинг биринчи хатбошидаги муддатда берилади.

Лицензияда қуйидагилар кўрсатилади:

лицензиянинг тартиб рақами;

берилган вақти;

лицензия эгаси;

юрidik шахс учун – номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли;

жисмоний шахс учун – фамилияси, исми ва отасининг исми;

лицензия эгасининг жойлашган жойи;

юрidik шахс учун – жойлашган жойи (почта манзили), унинг солиқ тўловчи идентификация рақами;

фаолиятни амалга ошириш манзили;

филиал манзиллари;

жисмоний шахс учун – турар жойи, унинг солиқ тўловчи идентификация рақами;

фаолиятни амалга ошириш манзили;

рухсат этилган фаолият йўналиши;

рухсат этилган филиалдаги фаолият йўналиши;

лицензияни берган лицензияловчи орган;

лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами.

29. Ветеринария фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талабгорининг лицензия олиши ва ундан фойдаланиши тўғрисида лицензияловчи орган билан лицензия талабгори ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган лицензия битими тузилади ва лицензияловчи орган ҳамда лицензиат томонидан электрон имзоси билан имзоланади.

Лицензия битимида қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган ветеринария фаолияти йўналишларининг номи;

лицензия талабгорига қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензияланадиган фаолият йўналиши амалга ошириладиган манзил (манзиллар);

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензия талабгорининг лицензия битими талаблари ва шартларини бажаришини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;

ветеринария фаолиятининг муайян йўналишини амалга ошириш хусусиятларига тааллуқли бошқа шартлар.

Лицензия қайта расмийлаштирилган тақдирда, лицензия битимига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилади ёхуд янги лицензия битими тузилади.

30. Агар лицензия талабгори лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома Марказ ёки ЯИДХП орқали юборилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни ва имзоланган лицензия битимини Марказ ёки ЯИДХП орқали тақдим этмаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Агарда лицензия талабгори Ягона биллинг тизими орқали давлат божини тўламаса, ушбу банднинг биринчи хатбошидаги муддатда лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

31. Лицензия бериш “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этилиши тўғрисидаги қарори, шунингдек, лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

32. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда Марказ ёки ЯИДХП орқали юборилади. Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги билдиришномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатлар лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда Марказ ёки ЯИДХП орқали олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда такроран кўриб чиқилади.

Бунда такроран тақдим этилган ҳужжатлар улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун экспертга юборилади.

Эксперт тақдим этилган ҳужжатларни олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади ва улар юзасидан лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.

Лицензияловчи орган эксперт хулосаси асосида тўрт кун муддатда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензия талабгорининг аризаси қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин Марказ ёки ЯИДХП орқали берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

5-боб. Лицензияларни қайта расмийлаштириш

33. Юридик шахс – лицензиат ўзгарганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензия талабгори қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова

қилинган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида 4-иловага мувофиқ Марказ ёки ЯИДХП орқали ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс – лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида 5-иловага мувофиқ Марказ ёки ЯИДХП орқали ариза бериши шарт.

Янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида ветеринария фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган лицензиатлар қўшиб юборилган тақдирда, лицензияни ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

34. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензиянинг амал қилиши лицензияланадиган фаолият йўналишининг бир қисми (қисмлари) учун тўхтатилган тақдирда, лицензия қайта расмийлаштирилади.

35. Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензия тегишли ҳужжатлар илова қилинган лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза 6-иловага мувофиқ Марказ ёки ЯИДХП орқали олинган кундан ёки лицензиянинг амал қилишини лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш кун мобайнида лицензияловчи орган томонидан қайта расмийлаштирилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

36. Қайта расмийлаштиришда олдин берилган лицензияларда кўрсатилган йўналишлар бўйича ваколатли лицензияловчи органга Марказ ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилади.

37. Қайта расмийлаштиришда тўланадиган йиғим суммасининг:

а) Марказга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар лицензияловчи органнинг ҳисобварағига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,25 фоизи – Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар лицензияловчи органнинг ҳисобварағига ўтказилади.

6-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

38. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан назорат қилинади.

39. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда, лицензиат лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этишга мажбур бўлган муддатларни белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор чиқариш ёки судга мурожаат қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ветеринария фаолиятини лицензиясиз амалга ошириш ҳоллари аниқланган тақдирда, материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш.

40. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

7-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, лицензияни бекор қилиш

41. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш, уни бекор қилиш “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Лицензиат Марказ ёки ЯИДХП орқали 7-иловага мувофиқ амал қилишни тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза тақдим этади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш, уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияловчи орган қарори асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

8-боб. Лицензиялар реестри

42. Лицензияловчи орган лицензиялар реестрини юритади. Ветеринария фаолиятини амалга оширишга лицензиялар реестри юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида юритилади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилади:

а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар:

юридик шахслар учун – ташкилотнинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами, мулкчилик шакли, филиаллар тўғрисида маълумотлар, ташкилот раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;

жисмоний шахслар учун – лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг паспорти маълумотлари, яшаш манзили, телефони;

б) лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

в) лицензия бланкасининг серияси ва тартиб рақами;

д) ветеринария фаолияти йўналиши;

е) лицензияланадиган фаолият амалга ошириладиган манзил, иш телефони, факс;

ж) лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

з) лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

